

Ал-Фарғоний даҳосига таъзим

Фарғонада буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари кенг нишонланди

Ўзбекистоннинг мушакл тараққиёт йўлига чиқиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, тарихий мерос ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, келажак авлодларга етказишга катта эътибор қаратилаётганлиги маънавий янгиликни борасида муҳим босқич бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда буюк бобокалонларимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари нишонланиши аждодларга эҳтиром, ўтмиш меросга янгича ёндашув, миллий оғ, миллий ғурур ва ўзликнинг уйғонишидан, қадриятлар тикланаётганлигидан далолатдир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг мамлакатимизда бу кўтлуг тўйга кенг кўламли таъбирлар ишлари бошлаб юборилди. Бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотларга имконият яратди. Юбилей муносабати билан аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар, бадиий курғазмалар ўтказилди, янги

китоблар нашр этилди, спектакллар сахналаштилди, фильмлар суратга олинди.

Кўтлуг тўй шарофати ила қадим Фарғона янгилик кўрк ва чирой касб этди. Айниқса, Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталуви оромгоҳ тўлик қайта таъмирланиб, сўлим ва бетакрор масканга айланди. Азим дарахтлар, жилоланиб оқайган ирмоқлар, шарқона усулда қурилган фавворалар, кўкка буй чўзган устунлар боққа ўзгача фусун бахш этди.

Қадимий Кува Шахристонда ҳам юбилей муносабати билан улкан ишлар амалга оширилди: фавворалар билан безалган Шахристон майдони барпо этилди, устунлар билан қурилган арк ичида ал-Фарғоний ҳайкали қад кўтарди. Айни пайтда бу ерда кенг кўламли археологик қазилмалар бошланди, кўхна Кубо деворлари қайта тикланди. Ун бир гектардан зиёд майдонда олиб борилаётган илмий



изланишлар натижасида кўлга киритилган топилмалар шаҳар тарихи 2500 йилдан ортиқ даврни ташкил этишидан далолат бермоқда.

24 октябрь куни эрта тонгда юбилейга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, республикамиз вилоятлари, жамоат ташкилотлари вакиллари Фарғона шаҳрига етиб келдилар.

Юбилей тадбирлари вилоят театри биносига ўтказилган «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тугган ўрни» мавзусидаги халқаро анжуман билан бошланди. Унинг ялпи мажлисида Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунё фани тараққиётидаги ўрни, ал-Фарғоний ва мусулмон астрономиясининг бағишланган мавзуларига бағишланган маърузалар тингланди. Илмий конференциянинг шўъба мажлислари аллома илмий мероси, ал-Фарғоний ва дунё астрономияси, буюк олимнинг амалий фанлар ривожига қўшган ҳиссасига оид масалаларга бағишланди. Қирққа яқин хорижий мамлакатдан ташриф буюрган олимлар аллома илмий кашфиётлари Шарқ Уйғонилишининг ибтидоси бўлганлигини, унинг мероси Беруний ва Улғубек каби даҳолар етишиб чиқиши учун пойдевор яратганини таъкидладилар.

Юбилей тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимиз Президентни Ислам Каримов Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида юртбошимизни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга таъбирлар қўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов кутиб олди.

Юртбошимиз ташриф даставвалида Фарғона механика заводи қошибдаги «ЎзДЭУавто» автомобилла-

ри учун диск ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди. Мазкур корхона Швейцария, Германия, Голландиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар йили тўрт турдаги бир миллионга яқин диск тайёрлашга ихтисослашган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги технологик жараён, тайёр маҳсулот турларини кўздан кечириб, ишлаб чиқаришни узлуқсиз ташкил этиш, зарур жиҳозлар ва бутловчи қисملарни шу ернинг ўзида тайёрлашни йўлга қўйиш хусусида кўрсатмалар берди.

«Биз «ЎзДЭУавто» автомобиллари учун бутловчи қисмларнинг 70 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга эришишимиз керак, - деди Президент. - Умуман, ҳар бир янги бунёд этилаётган корхона ана шундай мўлжал билан иш юритса, экспорт импортидан ортади ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун замин яратилади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий соҳани ривожлантириш, Аҳмад ал-Фарғонийдек аждодларимизнинг юбилейларини муносиб ўтказишга имкон туғдиради.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов ва юбилей қатнашчилари Кувага ташриф буюрдилар. Буюк бобокалонимиз руҳига Куръон тилова қилиниб, эл-юртга хотира оши тортилди.

Президент Ислам Каримов Кува Шахристон мажмуи билан яқиндан танишиб, археологик топилмалар: кўп асрлик тарихга эга жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, хунармандлик намуналарини кўздан кечирди.

(Давоми 2-бетда).



Президент Ислам Каримовнинг Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи

Қадрли юртдошлар! Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гушаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминидан ислом оламида юксак обрў-эътибор қозongan улуг ватандошимиз, ҳадис илмининг сўлтони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд тўйини ўтказиб, гоёт савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлини, урта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиб туришимиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият ахлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар! Кишилиқ тараққиётига ўзининг ўнмас улусини қўшиб, мамлакатимиз шухратини оламга тартиб, тарих саҳифаларига абадул абад муҳрланган Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улғубек, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Бахавиддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингалари улуг сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча ғурурланса арзиydi.

Ўзбек диёрида парваршиш топан минглаб аллома адиблар, олимлар мутафаккирлар қаторидан урин олган Бурхониддин Марғиний, Захриддин Мухаммад Бобур, Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, бу маскан ҳам кўхна тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар! Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминидан асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парваршиш топанга бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, аинқаса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур

мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафқураси ва қонуниятини жўш уриши лозим.

Бунинг учун энг аввало мана шу қадимий ва бетакрор юртга Оллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим! Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги миллитимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилик ва илму маданиятимиз тарихини, мустибид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳияти-миз, миллий тафаккуримиз кўлами ва кудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарғоний ки-

шилиқ тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намоёндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастурлама бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг «Астрономия асослари» номили шўҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АКШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилинганлигини нақадар юксак аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган буюк китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфозли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг

Ернинг шарсимон шаклга эгаллиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда ишбўтлаган машҳур сайёх Христов Колумб, Ер меридианининг бир даражаси микдори ҳақидаги Ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллитимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳоидир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожига қўшган нуфузи шу қадар эдики, аллома бобоимизнинг номи Ер кулларидагина эмас, самода ҳам абадий шухрат топди. Ун олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонида 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз - Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улғубек номи билан аталди.

Мухтарам дўстлар! Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби

зотлар ёқиб кетган илм машаъли янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуг бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ишчи қилинмоқда.

Минглаб фарзандларимиз юксак тараққиёт топан давлатларда энг нуфузли билим даргоҳларида тахсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлар сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришчилик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизнинг эртанги куни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, кадр-қимматимизни, миллитимизнинг дунёда тугган ўрнини аниқлаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-

Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Кубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршинида қад кўтариб турган бу улугвор ҳайкали ватандорларимизнинг улуг бобокалонимизга ҳурмат-эҳтиром ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб буюк аждошимиз хотирасини абадийлаштириш, кўхна Кубо шухратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий таровати хос равишда обод этишда сидқидилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар! Бугун Аҳмад ал-Фарғоний бобоимизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган меросининг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Кува тупроғига, шу ердан ўтган одамлар-

нинг руҳи олдидан ва бугун яшаётган авлодлар қаршида таъзим қиламиз.

Бу зотнинг шу ерда туғилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртин барчамиз учун янада азиз ва муқаррам қиладди.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Бағдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирала ўз илмий кашфиётлари билан шухрат топан бўлмасин, ишонаманки, у ҳамisha туғилган юртини соғиниб яшаган. Она Ватанининг муҳаббати ва соғиничини бир умр қалбидан саклаб олган. Бу туғйу нафакат улуг инсонларга, балки иймонли, диенатли ҳар бир одамга хос хусусиятидир.

Мухтарам ватандорларим! Ииллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шерошарф рамзи бўлиб абадул-абад сакланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги кўтлуг тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Оллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизда мадад тилайман. Улуг бобоимиз руҳи хонадонгизни нурафшон, қалбингизни мунаввар этсин.

ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Н. НАЗАРБЕКОВНИНГ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ Тўғрисида
 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 1998 йил 30-31 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

Дил изҳори
ЮРТИНГИЗГА, ПРЕЗИДЕНТИНГИЗГА КўЗ ТЕГМАСИН
 Ҳадис илмининг сўлтони Имом ал-Бухорий, жаҳон тан берган буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига ташриф буюриб мушакл Ўзбекистондаги бекиёш ишлар, ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Асрлар оша боқий алломалар ўз халқига қайтди. Очиғи, бундай катта таъбирларнинг ўзи бўлмайди. Ўз ватанини, халқини, миллатини жондан севган Президентингиз бошчилигида, ул зоти олийнинг шайхсан ташаббуси, таклифлари асосида рўёбга чиқарилган бағоят улуг ишлар барча учун ибратдир. Мен бу ерда ҳаётни, одамларни кузатиб маънавият, кадрнинг масалаларига катта эътибор берилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу сўзларни шунинг учун таъкидлаётганим, ҳозирги мураккаб ва қалтис замонда йўлдаги оғир синовларни, тўсиқларни қонида миллат руҳи жўш урган, фидойи инсонларгина енгиб ўта олади.

Ўзбек халқи куч-қудратни қаердан олади? Президент Ислам Каримов эътироф этганларидек, аввало Оллоҳ Таолодан, қолаверса ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғонийдек буюк сиймолардан олади. Ўзбекистонни кенг қамраб олган жўшқин, саодатли кунлар шу даражада ҳажжонли, тарихий воқеаларга бой бўлдики, у биз - хорижлик олимларнинг ҳам қалбида узок вақт сакланиб қолади. Ўзбекистонга, унинг оқил ва одил Президентига, фидокор халқига бўлган ҳурматим юз чандон ошди. Бу юртининг келажига буюқдир!

Мухаммад Ҳалиф Хасан, мисрлик олим.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма ҳамкорлиги

Уюшмамиз аъзолари бу йил нафақат туманимизда, балки вилоятимиз деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари орасида биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Қабул пунктларига 3965 тоннадан ортқ сифатли «оқ олтин» етказиб берилди. Йиллик режани муддатидан анча олдин бажарган Султон Усмонов, Заъни Раҳимов, Ботир Тўлаев, Омон Усмонов, Қиём Тожидинов бошлик бригадаларда ҳосилдорлик 42-43 центнерга етказилди.

Уюшма аъзолари учун етарли ва қулай иш, дам олиш шароитларининг яратилганлиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қондаларининг барча ерда тўлиқ бажарилаётганлиги ютуқлар омили бўлаётди. Агар 1996 йилда меҳнатни муҳофазга қилиш ишларига 148 миң 971 сўм сарфланган бўлса, утган 1997 йилда бу борадаги кўрсаткич 220 миң сўмни ташкил этди. Жорий йилда эса ана шу мақсадлар учун 280 миң сўм сарфлаш режалаштирилган.

Уюшма бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида 1998-2000 - йиллар учун тузилган жамоа шартномаси меҳнат аҳлининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Хўжалиқда 2556 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, уларнинг 1506 нафари хотин - қизлардир. Утган 1997 йилда «Зарафшон» жамоа хўжалигининг умумий йиғилиши қарори асосида ушбу жамоа хўжалиги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган, ишловчиларнинг ерга ва меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

МУКОФОТ ОЛГА УНДАЙДИ

1997 йилда уюшма бўйича жами 141,8 миллион сўм даромад қилинди. Рентабеллик 22,7 фоизни ташкил этди. 22,2 миллион сўм соф фойда олинди.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш мақсадида уюшма худудида бугунги кунда 8 та сартарошхона, 3 та ҳаммом, 12 та устакхона, 15 та хўнарандлик цехлари, 2 та гишт заводи ишлаб турибди. Уюшма кишлоқлари тўлиқ газлаштирилган.

Юқорида таъкидланганидек, меҳнат кишилари учун доимий ғамхўрлик қилиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш уюшма бошқаруви ва касаба уюшма кўмитасининг доимий эътиборида. Жумладан, машина-трактор паркида,

йилдирки хўжалиқда бирорта ҳам бахтсиз ҳодиса рўй бергани йўқ. Утган йилнинг февраль ойида меҳнатчиларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб бериш бўйича курғазмали семинарнинг айнан хўжалигимизда ўтказилганлиги ҳам бу борадаги ишларда муайян натижаларга эришилаётганлиги исботлаб турибди.

Кишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида ҳар ойда ун, ёғ, гўшт маҳсулотлари арзон баҳоларда сотилмоқда.

Уюшма раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси кам таъминланган оилалар ва ногирон-кишиларга ҳам ғамхўрлик кўрсатмоқда. «Оила йили»-да уюшма ҳисобидан 30 ночор оилага касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан 4 та оилага ҳар ойда бир марта энг кам иш ҳақи миқдорига моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Моддий ёрдам беришни сўраб ариза ёзган кишиларга ҳам уларнинг оилавий шароитлари ўрганиб чиқилган ҳолда 1998 йилнинг ўтган даври ичиде 80 миң сўмликдан кўпроқ мадд кўрсатилди.

34 нафар боланинг мучал тўйини, 2 оиладаги болаларнинг суннат тўйларини ўтказишда ҳам касаба уюшма кўмитаси яқиндан кўмаклашди. Хўжалик хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда Оила йилига бағишлаб ўтказилган кўрик-танлов ҳам муваффақиятли ташкил этилган тадбирлардан бўлиб ҳисобланади. Кўрик-танлов қатнашчиларидан 150 нафар аёлга турли мукофотлар топширилди.

А.АШУРОВ, Ёшдулов туманидаги «Зарафшон» деҳқон фермер хўжаликлари уюшма касаба уюшма кўмитаси раиси.

Қонунлар жойларда қандай ўрганилмоқда?

«... биз қонунларни амалга ошироқчи бўлсак, самарасини кўроқчи бўлсак жойларда уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим», деган эди республикамиз Президент Олий Мажлисининг XI сессиясида. Нафисламбирни айтганда, ҳар бир фуқаронинг иш-фаолиятида қонунга таъбиб иш қўриши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини пухта англаши ҳақида деярлик ҳар кун гап бўлаётди. Қолаверса, одамларимизда ҳуқуқий ҳақуқий давлатни барпо этиб бўлмайди.

Жойларда ҳуқуқий таълимот, қонунлар тарғиботи билан шуғулланиш биз - касаба уюшма фаоллари зиммасига ҳам қатъи масъулият юклайди.

Вилоят, туман ва бошланғич агросаноат маҳкуми ходимлари касаба уюшма кўмиталари қонунлари тарғибот қилишга эътиборни қаратиб, ўқув-семинарлар, раёсат йиғилишлари, пленумларда бу соҳага жиҳдий эътибор қаратаётдилар. Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси ходимлари «Меҳнат кодексини», «Меҳнатни муҳофазга қилиш», «Аҳолини иш билан таъминлаш», «Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Кишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш» каби меҳнаткашлар манфаатига бевосита алоқдор қонунни ҳужжатлар аҳамятини ўстиришда батафсил тўхталишмоқда. Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини жамоа шартномалари асосида муҳофазалаш энг қулай усул

эканлиги қайта-қайта таъкидланаётди. Зеро, бошланғич таъкилотларда тузилётган жамоа шартномалари қанча яхши пишқи-пухта, меҳнаткашлар манфаатини кенгрок қамраган бўлса ва уларнинг баъзириси қаттиқ назоратга олинса қутилган самаралар бермоқда.

Афсуски, жойларда ердан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда ҳали ҳам қанчаликларга йўл қўйилмоқда. Аникса, фермер-деҳқон хўжаликларини ташкил этишда қариндoshi-уруғчилик, ошана-огайинчилик, ўз манфаатини устуемсөөк қилиш ҳолларини текширишларда ўтган йили 141 та шу йўлар билан деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилгани маълум бўлди.

Вилоят касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ўрганиб келинган ибратли тадбирлардан бири - касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Маданиятли оилани рағбатлантириш» тадбиридир. Айнан ана шу тадбир оилаларни мустаҳкамлашда, ёш авлодини мустақил ўзбекистонимизга муносиб кишилар қилиб тарбиялашда уларда меҳнатга муҳаббат ҳис-туйғуларини қалом топширишда муҳим аҳамият касб этаётди. Гап шундаки, бундай тадбир давомида ибратли ота-учун унинг болаларига муқотот берилмайдиган бўлди. Биргина кейинги пайтда ўз ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган 24 нафар меҳнатдорнинг мактабларда таълим олаётган болаларига 35 миң сўм миқдориде пул муқототлари берилди.

Ишловчилар ўртасида меҳнат мусобақасини ташкил этиш ҳам яхши натижалар бераяпти. Мусобақа натижаларига мувофиқ меҳнат илғорларидан 400 нафарига жами 374 миң сўмлик турли муқототлар - палос, соат ва бошқа буюмларнинг берилганлиги фикримиз исботидир.

Оила йилида уюшма раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан 2 та мактаб ҳузуридаги оромгоҳ ва тумандаги «Коинот» болалар оромгоҳида кўплаб ўғил-қизларимиз мириқиб дам олдилар. Биргина ўтган 1997 йилда ишлаб чиқариш илғорларидан 8 нафари турли саторийларда соғлигини мустаҳкамлаб келди. 120 нафар киши эса Бухоро, Самарқанд сингари шаҳарларда бўлиб, улардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишди. Бу тадбирлар ҳам уюшма ва касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан амалга оширилди.

Бу ишларнинг барчаси жамоа шартномасида кўзда тутилган бўлиб, мунтазам равишда бажариб келинмоқда. Жумладан, шартномага мувофиқ оғир ишларда банд бўлган аёлларга ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб ҳақ тўланадиган таътил бериб борилаяпти. Уюшма ҳисобиде бўлган 10 та болалар боғчасида болалар бепул тарбияланмоқда.

Дарвоқе, «Зарафшон»-ликлар меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этганлик учун ўтказилган республика кўрик- танловининг пешқадамларидан бири сифатида ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг дипломи билан ҳам тақдирланди.

А.АШУРОВ, Ёшдулов туманидаги «Зарафшон» деҳқон фермер хўжаликлари уюшма касаба уюшма кўмитаси раиси.

Касабда кўмитаси раислари қонунларни, ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур билимасликлари ёки улардан фойдалана олишларини оқибатида ишловчилар даражада ишловчилар қила олмайпдилар. Мисол учун Охангарон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат жамоа хўжалигида жамоа шартномасининг «меҳнат муҳофазаси оитими» қисми 22 банддан иборат бўлиб, шундан 6 та тадбир бажаришга ҳолос, уларга ажратилган маблағ миқдори ҳам кўрсатилмаган. Шу тумандаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида тузилган биринчи навбатдаги «хайрихо» бўлиши мумкин эди. Бироқ, деҳқонларимизнинг ғамхўрлигига эҳтиоб сезилмади.

Республикамиздаги барча турдаги мулкчилик субъектларининг эркин демократик тарзда фаолият юритиши учун ҳуқуқий пойдевор яратилган. Масалан ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва оилавий пудратчилик учун «Меҳнат муҳофазаси» қонунини навбатдаги «хайрихо» бўлиши мумкин эди. Бироқ, деҳқонларимизнинг ғамхўрлигига эҳтиоб сезилмади.

Касабда уюшмалари ташкилотлари олдиде ана бир улкан вазира бор, бу - касаба уюшма ташкилотларини қонун ва қарорларни бажаришдаги ролини кенгайтириш, меҳнаткашларни соғломлаштиришнинг янги усулларини жорий қилиш, уларнинг бундан вақтинчи тўғри ташкил этиш, маънавий, маданий қамолтини топшириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратишдир.

Жамоа хўжаликлари ширкат хўжалиги айлантириш борасида маълум ташкилий ўзгартришларни амалга ошириш даркор.

Еки фермер хўжаликлари олиб кўрсак, улар ҳам ҳар бир туманда 100-200 тадан орტიқдир. Уларни ягона бир туман фермерлар уюшмаси сифатида бириштириш мақсадида мувофиқдир.

К. ШОДИМЕТОВ, иқтисод фанлари номзоди.



Шомурод Мамаюсов Зафаробод туманидаги тадбиркор фермерлардан бири. У бошлик жамоа жорий йилда 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан сарадон ҳосили олди. Пахтачиликдаги кўрсаткичлар ҳам чаккимас.

Бундан ташқари фермернинг 40 бош қорамоли бор. Тадбиркорлар бу йил эл дастурхонига 22 тонна серкаймोक сут етказиб беришга аҳд қилишган.

Суратда: фермер Шомурод Мамаюсов пахтазорда. Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ олган сурат.

Суратда: тикувчи Лолаҳон Муртозоева. Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Суратда: тикувчи Лолаҳон Муртозоева. Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тадбиркорлар мададкори

«Инвестиция» журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Ҳар ойда бир марта чиқадиған янги ахборот-маълумот журнали ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилмаётган иқтисодий ислохотларни тезлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркорларга мўлжалланган.

Журнал икки тилда чиқади, унинг асосий мақсади - кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганларга инвестиция соҳасидаги имкониятларини билиб олишларига кўмаклашишдан иборат. Бундан ташқари, ноширлар эндигина иш бошлаётган тадбиркорларни ҳам, тажрибали тадбиркорларни ҳам бирдай ташвишлантираётган асосий муаммолар ва масалаларни, ўз ишларини ташкил қилиш ва юритишини мураккаб жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун янги наشرнинг энг муҳим мавзулари орасида тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар, мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шарҳлари, бизнесни кредитлаш, илғор технологияни танлаш, банкротга учрашининг олдини олиш, менежмент каби масалаларга доир маслаҳатлар ва тавсиялар, бошқа бир қанча фойдали ва қизиқарли маълумотлар бор.

Журнал кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши ўтказётган тадбиркорларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш доирасида «Ўзинвестлойиха» инжиниринг компанияси томонидан таъсис этилди ва нашр қилинди.

О.ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎЗА муҳбири.

КОРХОНА ЁНИДА СПОРТ МАЖМУИ

Бозор шароитида тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш, хусусийлаштириш ва ҳиссадорлик жамиятига айлантириш ўзининг қутилган самарасини бермоқда.

Буни «Андижонгўшт» ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам қўриш мумкин. Жамоа ялғи маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини жаҳон андозаларига даражага етказиш жиҳатидан ҳам республикадаги турдош корхоналар ичиде биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Айрим комбинатлар бозор талабларига жавоб беролмай, катта қийинчиликларни бошдан кечирётган бир пайтда мазкур корхона жамоаси йил сайин янги-янги цехлар очиб, хайридориг маҳсулотлар тайёрлашга муваффақ бўлаётди.

Жамоа яқиндагина музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб ўз даромадини янада кўпайтириб олган эди, энди эса гўшт консерваси тайёрлаш цехи барпо этилмоқда. Бундай маҳсулотга талаб катта.

Гапнинг қисқаси, Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши аҳолининг муҳтож табақаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни режалаш ташкил этиб, сезиларли ишларни олиб бормоқда. Мақсадимиз хайрли ишни ҳар кун ва ҳар доим қилишга эришишдан иборат.

Наманган тумани ҳокимлиги тадбиркорлар, ишбилармонларга ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда. Шу бос Файзулла ака Абдуллаев ҳам «Туркатлик» кўшма корхонасини ташкил этди.

Айни кунларда корхона йилига 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шунингдек корхона қошида сутни қайта ишлаш цехи фаолият кўрсатмоқда.

Суратда: тикувчи Лолаҳон Муртозоева.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Бундай жонқурлик оддий ишчиларга ҳам хос. Тоҳиржон Тожибоев, Ғулломжон Йўлдошев, Фарможон Сотволдиев, Рустамжон Гафторов сингари ишчилар ишлаб чиқариш жараёнларини тақомиллаштириш бўйича тақлифларини илгари суриб, катта иқтисодий самара келтирдилар.

Иккинчи омил корхона касабда уюшмаси кўмитаси зиммасида. Касаба уюшма билан мамурият ўртасида тузилган меҳнат шартномасига кўра, ишчилар саломатлигини яхшилаш бориче қулай меҳнат қилиш ва дам олиш шароити яратилиш, меҳнатни қадрлашга алоҳида аҳамият берилган.

«Андижонгўшт» вилоят клиникасидан 10 та ўринга олдиндан пул ўтказиб қўйган, корхонанинг ўзида физиотерапия хоналари ишлаб турибди. Ҳовуз, хиебон, гулзор, мевазор, боғча мавжуд. Спорт зали, душ, ажойиб ошхона ишчилар хизматида. Шу бос корхонада иш тобора олдинга босмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.

ЁРУҒ ЖАҲОНИМ МЕНИНГ

«Журматли тахририят!»

Касаба уюшмаси йўлланмаси билан Тошкентдаги санаторийда дам олаётган пайтимида кўзим қаттиқ оғриб, деярли кўрмай қолдим. Шунда яхшилар тиббиёт фанлари доктори, профессор Холиджон Комилов кузурига олиб боришди. Профессор нихоятда нозик операция ўтказиб, менга ёруғ жаҳони кайта кўришликни насиб этди.

Республикамизнинг айниқса олис қишлоқларида яшовчи кишиларига бундай истеъдод эгаларини гезетангиз орқали яқиндан таништиришга гоат маъқул иш бўлур эди».

Хоняқул ОМОЛОВ,
Узун тумани.

Хонага чўккан сукунати радио суҳандонининг ширли товуши бўзди: қишлоқ узра ваэмин қадимлар билан куз кириб келди. Жаннатмакон боғларда ҳосил йиғиштириляпти. Катта ариқ ёнидаги ёнғок дархат табиатнинг мунгли ҳақиқати олдига ўйчан бош эгган. Олислардан эсаётган сабо заъфарон дарахт барглари ни чирт-чирт узиб, олтин япроқлардан пенёздоз тўшайди...

Тушун кайфиятдаги беом радио лавҳани берилиб тинглэр экан, нахотки она қишлоқини, унинг гўзал табиятини кайта кўриш насиб этмаса, деган хаёлга борди. Хажонилин безовта бўла бошлади.

— Тавшишланманг, беом, хамшираниннг товуши



далда бўлди. - Сизни профессор Комилов доволяптилар. Операция муваффақиятли чиққан. Ҳаммаси яхши бўлади. Икки кундан сўнг касалхонадагиларнинг барчаси яна бир ўта нозик операция шарафати билан сурхондарёлик чўпоннинг мушқули осон бўлганидан воқиф этилдилар.

Бундай кувончли онлар ўз касбининг чинакам устаси Холиджон Комилов хаётида кўп бўлган. Ҳамма муваффақиятлари учун устаси - отаси Махаммадхон Комиловдан бағоят миннатдор. У аввало одамлиликдан дарс берди, Касб-корга фидойиликни, тинмай излашни, хамиша камсукум бўлишни ўргатди. Махаммадхон Комилов хаётинг аччиқ-чучини татиған, уруш дахшатларини бошдан кечирган инсон. Худо берган иқтидори, изланувчанлиги, фидойилиги туфайли республиканиннг машхур кўз шифокорларидан бирига айланди. Улаб шогирдларини соҳаниннг чинакам усталари, фидойилари этиб тарбиялади. Уларнинг аксарияти хозирги кунда етакчи шифо масканларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Комиловлар оиласи шифокорлар сулоласидир. Иккинчи фарзанд Гўлжамила Комилова республика кўз касалликлари шифохонасида микрожаррох бўлиб ишламоқда. У хам отасидан олган ўғитлари асосида тинмай излашиб, муваффақиятларини кўпайтириб бормоқда.

Холиджон ака тиббиёт



олийгоҳини имтиёзли диплом билан тугатган, йиллар мобайнида илмий ходим сифатида бетиним ишлади. Қийинчиликлардан, баъзи бир тўсиқлардан чўчимди. Оталари ўша пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, жаррохлар пири бўлган-да, унинг шўхратига суянмади. Дадилад ўз танлаган йўлидан борди. От йўлини той босар, деганларидек Холиджон ака отасининг ишини давом эттирмоқда. Ташкент врачлар малакасини ошириш институтининг кўз касалликлари кафедраси мудири сифатида хайри ишларга кўл урмоқда. Бу даргоҳга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан, шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон каби хамдўстлик давлатларидан шифокорлар билим ва малакаларини оширигани келадилар. Улар назарий билимларни амалиёт билан боғлайдилар, энг замонавий жаррохлик усулла-

рини ўлаштирадилар. Укўв машғулотлари энг тажрибали соха мутахассислари ердамида олиб бориладилар.

Ҳамкасблар билан фахрланасак айриқди, дейди профессор Холиджон Комилов. - Москва, Санкт-Петербург, АКШ, Германия ва бошқа мамлакатларда тахсил олган кўли гул шифокорлар энг нозик операцияларнинг муваффақиятли улдасидан чиқмоқдалар.

Шифо масканида доволанувчиларнинг ўрта ҳисобда дуо қилиб соғ-саломат юрибман. Узимча фикр қиламан: Комиловлар сулоласининг ўзига хос даволаш усуллари бағоят эътиборга моликдир. Худди шу азиз инсонлар ота ишини давом эттириб қанчадан қанча беморлар тавшишига шерик, дардига малҳам бўлмоқдалар. Соғайиб уйига кайтаётган бемор кўзига ёш олиб «Раҳмат, профессор!» деганида олам-олам маъно бор. Бу шифокор учун чинакам бахтдир.

Дил сузлари ёзилган дафтарга кўз югуртирмайиз. Бепеён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, хамдўстлик давлатларидан келган кишилар юрак сузларини баён этиши билан бирга шифокорлар жамоаси меҳнатига оқсак баҳо беришган. Шунинг учун аjoyиб инсон, моҳир шифокор Холиджон Комилов ҳар қанча фахрланса арзийди.

Сирожиддин РУСТАМОВ, «Ишонч» мухбири.

СПОРТ ТЎЛҚИНИДА

Жума кун миллионлаб ишқибозларнинг нигоҳи яна «Пахтакор» Марказий ўйингоҳига қаратилди. Шу кунби ерда Осиев кубок эгалари кубогининг жавоб ўрашувида «Пахтакор» ва Ашхободнинг «Нисса» жамоалари майдонга тушишди. Ёдингизда бўлса, Ашхободдаги ўрашувда туркманистонлик футболчилар «Пахтакор» дарвозасига бешта жавобсиз тўп киритишганди. Шу сабабли пахтакорчиларни ўз уйида қийин синов кутарди. Чўнки наватдаги босқичга чиқиш учун олтига тўп фарқи билан яотиш керак эди. Бунинг устига асосий дарвозабон Павел Бугалосиз ўйнаш хам футболчиларимизга қайсидаир маънода салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шу сабабли стадионга йиғилган минглаб футбол ишқибозларининг ҳажонини ва хадигини тушунас бўларди. Ўрашув дастлабки дақиқаларида нок кескин ва шиддатли курашлар остида бошланди. Пахтакорчиларнинг ўйинида Ашхободдаги мағлубият шунчаки тасодиф эканини кўрсатишга интилиш сезилиб турарди. Ва нихоят, пахтакорчилар шу куни ҳақиқатан хам чиройли ўйин кўрсатишди. Улар Туркманистоннинг «Нисса» жамоаси дарвозасига жавобсиз олтига тўп киритишди. Игорь Шкивин 2та, Миржалол Қосимов 2та, Дилмурод Назаров хамда Хвостуновлар биттадан тўп муаллифи бўлишди.

Германиянинг Гамбург шаҳридан хушхабар олдик. Сизларга яхши маълумки, хамюртимиз Артур Григорян шабна кунги еттинчи бор ўз унвонини сақлаб қолиш учун италиялик Жорж Кампанелга қарши рингга чиққан эди. Артур Григорян бу сафар хам ўзининг қироллигини исбот этди. У ракиби Жорж Кампанелни 10-раундда техник нақаутга учратиб, 7 бор чемпионлик унвонини ўзида сақлаб қолди. Биз бу аjoyиб галаба билан барча бокс ишқибозлари номидан Артурни табрикляб қоламиз.

Футбол бўйича мамлакат 7-миллият чемпионати олий лигасида 26-турнинг кечиктирилган ўрашувида «Навбахор» «Хоразм»ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Кеча 28-турнинг яна бир ўрашуви бўлиб ўтди. МХСК «Металлург» жамоалари ўрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳар иккала қоманда ўз ҳисобига биттадан очко ёзиб қўйди.

Шабна кун «Боулинг юлдуз» спорт соғломлаштириш марказида эркеклар ва аёллар ўртасида спортнинг ана шу турига бўлган қизиқини янада ошириш учун мусобақа бўлиб ўтди. Маълумки, спортнинг бу тури спорт ишқибозларига олдинлари чет эл спорт каналлари ва журналлари орқали таниш бўлиб, бу ҳақда тўлиқ маълумотга ҳеч ким эга эмас эди. Хабарингиз борки, боулингга бўлган қизиқини уйғотиш ва инсонларни чинакам соғломлаштириш мақсадида шахримизда ана шундай «Боулинг юлдуз» соғломлаштириш маркази очилди. Мана қарий етти ойдики ушбу марказ барча инсонларга, каттаю кичик, ёшۇ қари, аёлу эркекларга юқоридаги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда бўш вақтларида дам олиш хамда шуғулланишлари учун ўз эшикларини очган. Кеча хам бу ерда ана шундай мусобақаларидан бири бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада эркеклар ва аёллар ўртасида бўлиб ўтган қизиқарли хамда кескин бахсларда энг қучли хаваскорлар учликдан ўрин олдилар. Муқофот сифатида эса аёлларга ў-рўзгор буюмлари, эркекларга эса ТВ, аудио ва видео техникалари совға қилинди. Ёзлатиб ўтатим, консуллар хамда чет эл вакиллари иштирок этишди.

Дониёр ЮСУПОВ.

УСТОЗЛАР

Устозлар хам доимо изланишда, ўқиб-ўрганишда. Жондор туманидаги 22-, 1-, 18-болалар бочаси мудиралари олдида хам буюк вазифа — келажакни яратишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш масъулияти турибди.

Сурадта: (чапдан ўнға) болалар бочаси мудиралари Ш. Сафарова, О. Ибодуллаева, М. Назарбаевалар янги адабиётлар билан танишмоқда.



«ОСКАР» МУКОФОТИГА 26 МАРТА САЗОВОР

Ҳозирги кунда «Уолт Дисней» номини эшитмаган инсон бўлмаса керак. Мазкур корпорациянинг студияларида яратилган «Кирол шер», «Алиса мўжизалар мамлакатига», «Чип ва Дейл ердэмга шошилади», «Урдақлар ҳақида хикоялар», «Покахонтас» каби мултфилмлар бутун дунё ақли ва аввало, болаларда катта қизиқиш ўйготгани хаммага маълум.

Келинг, аввало корпорациянинг тарихига бир назар таштайлик. Ҳаммаси Уолт Дисней «Алисанинг ғаройиб саргузаштлари» номли қисқа метражли мултфилмини экранлаштириш тўғрисидаги шартномага имзо чеккан кундан бошланди. Ушбу воқеа 1923 йилнинг октябр ойида руй берган эди. Шунинг учун хам «Уолт Дисней» корпорацияси ўз «туғилган кунини айнан шу ойда нишонлайди. Корпорация асосчиси Уолт Дисней ўзининг биринчи мултфилминини экранлаштирганидан сўнг «Дисней бразерс» компанияси ташкил этилди. Кейинчалик эса ушбу компания «Уолт Дисней» номи билан дунёга танилди.

Ҳозирги кунда «Уолт Дисней» корпорацияси нафақат кино олами, балки телевидениедаги ўрнини хам мустахкамлаб бормоқда. Яқинда корпорация АКШ телеканалларидан бири бўлган «Кепитэл ситиз - Эй-Би-Си» компаниясини сотиб олди. «Уолт Дисней» корпорацияси вакиллари ушбу келишувни шунчалик олди-сотди эмас, балки икки азалий дўстнинг қўшилиши, деб изохламоқда. Гап шундаки, Уолт Дисней ўзининг кўнгулчор боғи - «Диснейленд»ни барпо этиш фикри билан кўпчилик банк ва компанияларга мурожаат қилган. Аммо уларнинг барчаси У.Диснейни қўллаб-қувватлашдан бош тортган.

Шундай бир пайтда «Эй-Би-Си» компанияси раҳбарияти унга моддий ёрдам кўрсатишга қолмай, маънавий жиҳатдан хам қўллаб қувватлаган. Бугунги кунга келиб эса, «Диснейленд»лар дунё бўйлаб тарқалди, уларнинг барчаси муваффақият билан ишлаб турибди.

Шуни хам таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда «Уолт Дисней» тўла метражли кино ва мултфилмлар ишлаб чиқарувчи корпорация бўлибгина қолмай, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тарқалган 400дан ортиқ фирма-дўконлар, турли теле ва кино компаниялар, телеканаллар хамда кўнгуна кўнгул очар боғлар - «Диснейленд»лар эгасидир.

Яна бир қизиқ маълумот: корпорация асосчиси Уолт Дисней ўз хаёти давомида АКШ киноакадемиясининг «Оскар» мукофотига 26 марта сазовор бўлган. Бу рақам ҳозирги кунда хам энг юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда.

Бобур СОБИРОВ.

Ўтган ҳафта 1998 йилги Нобел мукофоти соҳибларининг номи эълон қилинди. Маълумки, ҳар йили октябр ойида Алфред Нобел васиятига қўра кимё, тиббиёт ва физиология, физика, адабиёт, иқтисод ва тинчлик йўлида энг кўп хизмат қилган, деб топилганлар мазкур халқроқ мукофот соҳиб бўлишди.

Адабиёт бўйича бу йилги мукофот португалиялик ёзувчи Жозе Сарамагога насиб этди. Тиббиёт ва физиология соҳасидаги мукофотни бирварақайига уч америкалик эгаллади. Улар Роберт Фаршготт, Фарид Мурод ва Луис Игнарролардир. Физика бўйича мукофотга америкалик Роберт Лауфлин, германиялик Хорст Стирмер ва хитойлик Даниел Тсуи, кимё бўйича эса америкалик олим Уолтер Кон ва британиялик Жон Поплар лойиҳа деб топилди. Иқтисод борасидаги мукофот эса хиндистонлик Амарт Сенга насиб этди. Халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлики мустахкамлаш борасидаги мукофот эгаси деб Шимолӣ Ирландиядаги келишмовчиликларни бартараф қилишга фаоллик кўрсатган сиёсатчилар Жон Хюм ва Девид Тримбл тан олинди.

Нобел мукофоти 1895 йилда таъсис этилган бўлиб, 1901 йилдан бери ҳар йили мунтазам равишда унинг соҳиб бўлишга муносиб топилганларга тақдим этилади.

Алфред Нобел васиятига биноан ундан қолган сармоясида Нобел жамғармаси хамда мукофоти таъсис этилган эди. Шу фондга келадиган даромад ҳар йили беш қисмга бўлинади. 1968 йилда Швеция давлат банкнинг 300 йиллиги муносабати билан иқтисод борасида хам шундай мукофот таъсис этилди ва жамғарма даро-

Алфред Нобел ва математиклар

мади олти қисмга бўлинган бўлди.

Мукофот эгалари Нобел тасвири туширилган олтин медал, диплом ва фонднинг йиллик даромадида қаред маълум миқдорда пул маблағи билан тақдирланади. Совриндорларни тақдирлаш маросими ҳар йили А.Нобел вафот қилган кун - 10 декабрда Стокгольм ва Осло шаҳарларида бўлиб ўтади. Бу мукофотга лойиҳа деб топилганлар номи турли илм масканларида аниқланади ва эълон қилинади.

Нобел низомига қўра, аввалдан тайинланган кишилар мукофотга номзодларни кўрсатади. Шунингдек, мукофот соҳиблари хам номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Тинчлик борасида бериладиган мукофотдан ташқари барча соҳадаги мукофотлар бир киши-

га фақат бир мартаба берилади. Лекин, М.Склодовская-Кюри /1903 ва 1911 йил/, Л.Поллингларга /1954 ва 1962 йил/ ушбу мукофот икки даъфа берилган.

Нобел мукофоти фақат шахсларгагина эмас, балки халқроқ ташкилотларга хам тақдим этилади. Жумладан, Халқроқ Қизил Хоч ташкилоти уч мартаба, БМТнинг Қочқинлар бўй-

деган иборасини такрор ва такрор келтириб ўтар эди. Бошқа олимлар эса бунинг сабабини Нобел билан Госта Миттаг-Леффлер ўртасидаги келишмовчилик билан боғлашарди.

Госта Миттаг-Леффлер XIX аср охири ва XX аср бошларида Швецияда математик олим сифатида анча обрў-эътибор қозонган эди. А.Нобел айнан ўша олим билан умрининг сўнгги йилларида яқин ҳамкорлик қилган. Лекин веналик аёл София Хесс сабаб бу икки олим ўртасида «ола мушук оралаган» экан. Айрим манбаларда София Хесс Нобелнинг раффисаси бўлгани кўрсатилса, бошқаларида бу аёл Нобелнинг севган аёли экани айтади. Қисқаси Миттаг-Леффлер Нобелнинг энг яқин кишиси ҳисобланган С.Хесс билан ошиқ-машуқ бўлган қўринади. Ушбу воқеадан сўнг А.Нобел билан Миттаг-Леффлер ўртасидаги ҳамкорликка путур етган, деган тахминлар бор.

Нобел мукофотининг математикларга берилмаётганининг асл сабаби ҳақида ана шундай хотиралар ёзилган эди. Шунинг учун хам бу мавзудунё олимлари тортишувига сабаб бўлаётди. Шамол бўлмаса дарактириг шохи қимирламайди, деганларидек, нима бўлган тақдирда хам математиклар қарийб юз йилдан буён Нобел мукофотидан бебаҳра қолмоқдалар.

Раъшан МАҲМУДОВ, /Ўз/

ИШОНЧ

КҮЙ (21.03-20.04) Душанба куни ишда асабийлаш ўқи толиқиш арайлади. Бу ҳафтада ўта мушкул ишларни ҳал этишда чоршанбадан бошқа яхши кунни тўпла олмайси. Пайшанба кунини соғлигингиз билан боғлиқ бўлган ноҳушликни сезасиз. Жума - пул тушуши учун қудлай кун.

БУЗОҚ (21.04-21.05) Утган ҳафтанинги иккинчи яримдан бошлаб сизни безовта қилган юрак муаммоларини сешанба кунини ҳал қиласиз. Бу сизга қувват бағишлайди ва энди ҳар кунлик ишларингизни бажаришда хен нарсасо ҳалақат бермайди. Аjoyиб қутилмаган совгани жума кунини қутинг.

ЭГИЗАҚЛАР (22.05-21.06) Душанба аjoyиб шахс билан мулоқотда бўлишини ваъда беради. Пайшанба кунини бир қанча майда-чўйда ноҳушликлардан холи бўлмайси. Жума кунини иждоий машғулотлар билан банд бўлинг.

КИСКИҶБАКА (22.06-23.07) Ҳафтанинги биринчи яримда асаб билан боғлиқ бўлган ангагина қувватини ўзгариб кетаси келади. Ҳамкасб билан чиғал мулоқотда бўлиш, қайфиятингиз тушуши ва тезда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг кўпайи кетиши - буларнинг хаммасини бошдан кечирिशга тўғри келади. Жума кунини аjoyиб хушхабар ва дам олиш қулинининг омадилиги қайфиятингизни кутаради ва сизга қувват бағишлайди.

ШЕР (24.07-23.08) Душанба кунини айрим молиявий муаммоларни ҳал қиласиз. Пайшанба кунини вақтинчи оз бўлса хам яқин кишингизга ҳада қилинг - жума кунини қутилган жўнгалли ҳолатга йўл қўймайди.

С У Н Б У Л А (24.08-23.09) Ҳафта иш фаолиятингиз билан боғлиқ барча нарсалар учун омаддир. Сешанба кунинидаги иш билан боғлиқ омадили мулоқотлар, чоршанба кунинидаги иш унвондорлигини олишни, пайшанба кунинидаги молиявий ютуқ - ишонверинг буларнинг хаммаси сиз ва фақат сиз учун.

ТА Р О З О (24.09-23.10) Душанба иждоий режаларда ютуқ келади. Сешанба ва чоршанба кунлари ҳар доимги тек оссойишта ўтади. Жума кунини қариндош уруғлар билан тортишувли муносабатлар қутилади. Дам олиш қулини дўстлар даврасида қувноқ ўтади.

Ч А О Ё Ё Н (24.10-22.11) Ҳафта бошидан фаол ишга киришинг - раҳбар ходимларнинг сизни мансаб бўйича бир поғона қўтариш учун қузатиш айти молдан холи эмас. Чоршанба кунини ноажойиб бир янгилик эшитасиз. Жума кунини омади хариб қиласиз. Яқшанба романтик воқеаларга бой бўлишини ваъда беради.

Қ О Т А Р (23.11-21.12) Душанба ва чоршанба бораолиғида иш фаолиятингизда катта ўзгаришлар кутилади. Бошқа ишга ўтишингиз эҳтимолдан холи эмас. Иждоий фаолият кираси жума кунига тўғри келади. Ўз меҳнатингиз натижаларидан баҳраман бўласиз. Янги мунахаб - бу шабна кунини содир бўладиган аjoyиб воқеалардан баҳраман бўлинг.

Т О Ф Э Ч К И С И (22.12-20.01) Ҳафта бошидаги хасталик қундаги юмушларни хам бажаришга йўл қўймайди. Лекин пайшанба кунини буларнинг хаммаси ўз жойида тушиб кетаяди. Дам олиш қулинингиз эса оилангиз билан бирга ўтказганингиз маълум.

КОВҒА (21.01-19.02) Душанба кунини яқинларингиздан қутилмаган совға қутинг. Бироз тавшийларни қариндошларингиз пайшанба кунини «ҳада» этади. Жума кунини ҳали унчаллик бақувват бўлмаган оилавий бюджетингизга пул тушуши қутилгани тўғрисида олшиш қулини аjoyиб тушуларингиз гувоҳи бўласиз.

БАЛИҚ (20.02-20.03) Бироз майда иқир-чиқирлар душанба кунини безовта сешанба кунини бошқилиб ўтади. Чоршанба кунини пул тушуши, жума - ишнингиз омад юришди ва мушкул ишнингизни ҳал қиласиз. Шабна романтик воқеаларга бой бўлади.

Бош муҳаррир: Мирзиёс ҚАЮМОВ. Бюроғига Г— 0421. Нухаси — 15.088. Мазсўл навбатчи: Нодир АЛИМОВ. 1 2 3 4 5 6.